

ДОСЖАНОВА Юлдузхон Рахатовна,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика
кафедраси тадқиқотчиси

ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЁШЛАР ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ СОЦИАЛ-ПСИХОЛОГИК МУАММОСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

ОСВЕЩЕНИЕ СОЦИАЛЬНО- ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПРОБЛЕМЫ РЕЛИГИОЗНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ЗАРУБЕЖНЫХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

COVERAGE OF THE SOCIO- PSYCHOLOGICAL PROBLEM OF RELIGIOUS VALUES IN FOREIGN STUDIES

Аннотация: Мазкур мақолада хорижда дин ва диний қадриятлар билан боглиқ бўлган тадқиқот ишларининг натижалари ҳамда ёшлар диний қадриятларининг социал-психологик хусусиятлари муаммосини ўрганилганлик даражаси акс этган. Хориж психологиясида олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатдики, диний қадриятларга доир бўлган эмпирик тадқиқот ишларида диндорлик типлари, даражалари, диний хулқ-атвор ва қадриятлар акс этган. Шу боисдан мазкур мақолада ушбу тушунчалар доирасида олиб борилган тадқиқот ишларини келтириб ўтилди.

Калим сўзлар: Дин, диний қадрият, эътиқод, диний идентиклик, талаба, ёшлар.

Аннотация. В данной статье отражены результаты исследований, связанных с религией и религиозными ценностями за рубежом, а также уровень изученности проблемы социально-психологических особенностей религиозных ценностей среди молодежи. Научные исследования, проведенные в зарубежной психологии показали, что в эмпирическом исследовании находили отражение типы, уровни религиозности и религиозное поведение и ценности. Поэтому в данной статье мы привели исследования, проведенные в рамках этих концепций.

Ключевые слова: религия, религиозные ценности, убеждения, религиозная идентичность, студент, молодежь.

Annotation. This article reflects the results of studies related to religion and religious values abroad, as well as the level of knowledge of the problem of socio-psychological characteristics of religious values among young people. Scientific studies conducted in foreign psychology have shown that the types, levels of religiosity and religious behavior and values were reflected in the empirical study. Therefore, in this article we have presented studies carried out within the framework of these concepts.

Keywords: religion, religious values, beliefs, religious identity, student, youth.

КИРИШ

Дин ҳар қандай жамиятда мавжуд бўлган қадриятларни шакллантиришда етакчи омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, секуляризация натижасида шаклланаётган жамиятда дин инсонларда маънавий, ахлокий хусусиятларни ҳам шакллантиришда ҳам асосий рол ўйнайди. Ёшларда шаклланган диний қадриятларининг социал-психологик хусусиятлари муаммоси билан шуғулланувчи олимлар сўнги йилларда жамиятда ёшларнинг динга бўлган муносабатлари тобора ўзгариб бораётганини ва бу ҳар қандай жамиятда замонавий ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатида диний қадриятларга эргашишга мойиллик даражаси пасайиб кетишига сабабчи бўлаётганини таъкидлаб ўтмоқдалар. Бу эса ҳар қандай жамиятни ташвишга солмасдан қолмайди.

Бугунги куннинг замонавий ёшлари диний, маънавий ва моддий қадриятларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш борасидаги қарашлари кекса авлод вакилларикидан бирмунча фарқ қилади. Бунинг сабабини қуйидагича ихзоҳлаб ўтиш мумкин, жадал тарзда ривожланиб бораётган дунё ижтимоий ва иктисодий жиҳатдан замонавий инновацияларни талаб этмоқда. Мазкур ўзгариш жараёнлари ёшлар руҳиятига ҳам сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказиб хулқ-атвор хусусиятлари ва дунёқарашларининг ўзгаришига сабабчи

бўлмоқда. Замон ва маконга хос шаклланган замонавий дунёқарашларга эга бўлган ёш авлод диний қадриятларни қайта таҳлил этиш мобайнида уларга нисбатан нотўғри қарашларни ҳам шакллантирмоқдалар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қадриятлар борасида олиб борилган хорижий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ёш авлод вакилларининг динга бўлган муносабати прагматик бўлиб, улар динга кўпроқ таскин топиш манбаи сифатида қарайдилар. Шунингдек, унинг психотерапевтик жиҳатларини ҳам кўпроқ эътироф этадилар.

Хориж психологиясида ёшлар диний қадриятларининг социал-психологик хусусиятлари муаммоси доирасида олиб борган илмий изланишларимиз шуни кўрсатдики, диний қадриятларга доир бўлган эмпирик тадқиқот ишларида диндорлик типлари, диндорлик даражалари, диний хулқ-атвор, диний қадриятлар акс этган. Шу боисдан биз ҳам мазкур мақоламизда ушбу тушунчалар доирасида олиб борилган тадқиқот ишларини келтириб ўтдик.

Инсонлар дин ва унда келтириб ўтилган ҳақиқатларга нисбатан ишониш, уларга амал қилиш борасида бир-бирларидан фарқланадилар. Бунга асос сифатида Ж.Т.Тошкенонинг илмий тадқиқот натижаларини келтиришимиз мумкин [6:399]. Олим ўз тадқиқот ишларига асосан рус миллатига мансуб бўлган инсонларни жалб этган. Тадқиқот ишлари 1980-2010 йиллар давомида олиб борилган. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда инсонлар динга мойиллик даражасига кўра уч гуруҳга ажратилган.

Диний қадриятларга кўра диндорлик типлари шуни англатадики, респондентларнинг 25,8% ўзларини диндор деб ҳисоблашларини тасдиқлаган бўлсалар, 4,1% эса атеист яъни ҳеч қайси бир динга ишонмасликларини таъкидлаганлар, 47,5% диндор диний ибодатларни бажармасликларини айтиб ўтганлар. Мазкур тадқиқот ишидан хулоса қилиш мумкинки, диндор типга мансуб инсонлар қолган иккита тип вакилларига

нисбатан диний қадриятларга мос равишда хулқ-атворини тартибга солиш эҳтимоли юқори ҳисобланади.

Илмий изланишларимиз давомида яна шу нарса кузатилдики, диний қадриятлар бўйича тадқиқот ишлари инсонларнинг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи ва яшаш муҳити каби ижтимоий-демографик мезонларга кўра фарқланар экан. Сўнги йилларда эса мазкур мезонлар асосида тадқиқот ишларини олиб бориш анъанаси жадал суръатларда давом этиб келмоқда. Шу жумладан, Г.С. Широкалов, О.К. Шиманск ва А.В. Аникинлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари ҳам талаба ёшлар диний қадриятларининг гендер жиҳатларига бағишланган [7:6]. Ушбу тадқиқот ишида дин, диний қадриятлар ва маросимлар йигитларда ҳам қизларда ҳам замирида психотерапевтик вазифаси борлигини кўп бора қайд этиб ўтганлар. Шунингдек, юқоридаги омилларни хулқ-атворни бошқарувчи восита эмас балки психотерапевтик восита сифатида баҳолаганлар. Юқорида тилга олинб ўтилган олимларнинг тадқиқот ишларидан шуни англаб етиш мумкинки, дин, диний қадриятлар ва маросимларга кўпроқ таскин топиш манбаи сифатида ёндашар эканлар.

Замонавий жамиятда униб ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари нафақат диний балки дунёвий омиллар таъсирида ҳам улғайиб келмоқда. Ўз-ўзидан мазкур икки омил эса уларнинг қадриятлар тизимида ҳам етарлича таъсир ўтказиб келмоқда. Ёшлар орасида диндорлик ва диний қадриятларга доир кўплаб маълумотлар хорижий тадқиқотларга боғлиқ бўлиб, улар узоқ тарихга ва кўплаб эмпирик тадқиқотларга эгадир. Инглиз социологи С. Коллинз-Майо “Ёшлар ва дин: халқаро истиқболлар” асарида диний қадриятларо билан боғлиқ бўлган масалаларга қўйидагича тўхталиб ўтган [10:90]. Бугунги кунда жамиятни демократлаштириш туфайли диний қадриятлар ва анъаналарни кекса авлоддан ёш авлодга трансформация жараёни жуда секин ва мураккаб кечиб бормоқда. Замонавий ёшлар онгида диний эътиқод ва кечинмалар бир-бири билан узвий боғланмаган. Диний қадриятларнинг

шаклланишини биз фақат жамоавий тартибда кўришимиз мумкин индивидуал тартибда эса у сусаяди. Шу боисда ғарб мамлакатларида ёшларнинг озчилик қисмлари черковларга борадилар.

Москва энергетика институтининг фалсафа, сиёсатшунослик ва социология кафедраси тадқиқотчилари “Социологик тадқиқотлар лабораторияси”да “Диний қадриятлар ва ўз-ўзини рўёбга чиқариш” халқаро лойиҳа доирасида Россия федерациясида мавжуд бир нечта Олий таълим муассасалари талабаларининг диндорлик хусусиятларини ўргандилар. Шунга мувофиқ 2001-2011 йиллар мобайнида ўтказилган сўровномалар рус жамиятида динга бўлган муносабатлар тизгини ўзгариб бораётганлиги ва талабалар ҳам бу жараёндан четда қолиб кетмаётганлигини тасдиқлади. Бунда хулосага келишга асосий сабабни куйидаги диаграммада гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Талаба ёшларнинг диний қадриятларига кўра диндорлик типларини қайд этиб ўтилган рақамлар шуни англатадики, талабаларнинг 46% ўзларини диндор 25% диндор эмас деб ҳисоблаганлар.

В.В. Шилов, И.М. Пудовкина ва Т.Н. Сергеевалар томонидан 2015 йилда “Кекса ва ёш авлод қадриятлари тизмида дин” доирасида 17-30 ёш атрофидаги жами 295 нафар олий ўқув юрти талабалари ва 30-55 ёш атрофида 119 нафар катта ёшли инсонлар ўртасида социал тадқиқот ишларини олиб борганлар [8:95-104]. Тадқиқот давомида синалувчиларга маданият, одоб ва ахлоқ, сиёсат, иқтисод, таълим, соғлиқ, илм, техника, дин, оила ва болалар, тарих, карьера каби қадриятлардан қайси бири сиз учун кўпроқ муҳимроқ? деган саволга катта ёшдагилар ҳам талаба-ёшлар ҳам соғлиқни асосий қадрият сифатида эътироф этган бўлсалар, динни эса бошқа қадриятларга нисбатан аҳамиятлилиқ даражасини камроқ эътироф этиб ўтганлар. Бундан кўриниб турибдики, мазкур йилда ўтказилган тадқиқотларда синалувчиларнинг ҳаётида дин ва у билан боғлиқ бўлган қадриятлар айрим қадриятларга нисбатан муҳим аҳамият касб этмаган.

Қийин ҳаётий вазиятларда қандай йўл тутасиз? деган саволга талаба-ёшлардан 8,5%, катта ёшдаги инсонлардан 16% Аллоҳдан ёрдам сўрашини таъкидлаганлар. Бунда эса биз синалувчиларни ҳаётий қийин вазиятларда динни юқори қадриятлардан бири сифатида эътироф этганини кўришимиз мумкин. Бу рақамлар эса динни психотерапевтик жиҳатини юқори эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишимизга ҳам асос бўлади. Шунингдек мазкур натижа юқоридаги тадқиқот ишлари натижаларига ҳам мос тушади.

Хавфсизлик, эътиқод, ишонч, фаровонлик, дўстлик, соғлиқ, севги, тинчлик, мустақиллик, таълим, ривожланиш, тенглик, ватан, эркинлик, оила, ҳаёт мазмуни, адолат, барқарорлик, ҳурмат, оила ва ота-онани улуғлаш, хурсандчилик ва муваффақият каби тушунчалар орасидан қайси бирлари сиз учун қадрлироқ? деган саволга синалувчиларнинг аксарият қисми соғлиқни энг муҳим қадрият сифатида эътироф этганлар. Эътиқод эса муҳимлилик даражасига кўра ўртача кўрсаткични қайд этган.

Синалувчиларнинг Аллоҳ мавжудлигига ишонасизми? деган саволга эса талаба-ёшларнинг 36,6%, кексаларнинг 37% ишонишларини тасдиқлаганлар. Шунингдек, диний фаоллигига кўра аксарият респондентлар диний ибодатларни фақатгина диний байрамларда бажаришларини таъкидлаб ўтганлар. Кўпчилик талаба-ёшлар ва кексалар эса динни маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбияловчи восита сифатида қараганлар.

Дин ижтимоийлашув жараёнида маълум муносабатлар, меъёрлар ва қадриятларни ўз ичига олади. Диний ижтимоийлашув – бу диний меъёрлар, қадриятлар ва эътиқодлар авлоддан-авлодга инсонлар томонидан ўтадиган ўзаро таъсир жараёнидир. Диний ижтимоийлашув икки турга яъни бирламчи ва иккиламчи гуруҳларга бўлинади.

Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бирламчи диний ижтимоийлашув жараёни инсон томонидан болаликда олинган диний таълимдир. Бу жараёнда диний таълимотнинг илк кўринишлари ота-она томонидан оилада берилади. Иккиламчи диний ижтимоийлашув бу қайта ижтимоийлашув жараёни бўлиб ҳаёт

тарзининг сезиларли ўзгаришлари билан боғлиқ бўлади.

Дунё миқёсида ёшларда бирламчи ва иккиламчи диний ижтимоийлашув жараёнининг намоён бўлиши борасида кўплаб психодиагностик тадқиқотлар олиб борилган. Шундай тадқиқотлардан бири, 2008 йилда “Европа қадриятларни тадқиқ этиш” сўровномаси орқали 48 та давлат фуқаролари иштирокида ўтказилган. Мазкур тадқиқот иши бирламчи диний ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқдир. Бунинг сабаби сўровномада келтирилиб ўтилган саволлар ичидан айнан асосий эътибор “Сиз 12 ёшингизда бир ой давомида нечи марта диний ибодатхоналарга ташриф буюрардингиз?” деган саволга берилган жавобларга урғу бериб ўтилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики мазкур савол айнан бирламчи диний ижтимоийлашув жараёни билан боғлиқдир.

Мамлакатларда бирламчи диний ижтимоийлашув даражаси “Европа қадриятларни тадқиқ этиш” сўровномасида иштирок этган мамлакатларда бирламчи диний ижтимоийлашув даражасида сезиларли даражада фарқли жиҳатларни кўришимиз мумкин. Айнан россия федерацияси бу кўрсаткичда энг паст қийматни акс этган. Россияда федерациясида бирламчи диний ижтимоийлашув даражасининг кўрсаткичининг пастлашига сабаб бўлувчи омили сифатида авлодлар алмашинувини эътироф этиб ўтишади.

Худди шу тарздаги тадқиқот Россия федерациясида 16-24, 25-34, 35-64 ва 65 ва ундан юқори ёшдаги инсонларда орасида ўтказилган. Тадқиқот натижаларига кўра 16-24 ёш оралиғларидаги ёшларнинг 10%, 25-34 ёш оралиғларидаги ёшларнинг эса 7%, 35-64 ёш оралиғларида кўрсаткичлар 3-4% ва 65 ва ундан юқори ёшдаги инсонларда эса кўрсаткич 8% 12 ёшда диний ибодатларни адо этиш мақсадида ибодатхоналарга борганлар. Бу рақамлар юқорида келтирилиб ўтилган кўрсаткичдан кескин фарқ қилади.

Юқорида келтирилиб ўтилган тадқиқот ишларидан хулоса қилиш мумкинки, жаҳон миқёси доирасида ва Россияда “Европа

қадриятлари” сўровномаси орқали олиб борилган тадқиқот ишлари асосан ёшларда бирламчи ва иккиламчи диний ижтимоийлашув даражаларини аниқлашга қаратилган.

О.В.Митина, В.В.Сорокиналар томонидан ҳам 16-18 ёш атрофидаги мактаб ўқувчиларининг қадриятлар тизими ўрганилган [2:42-52]. Олимлар томонидан мактаб ўқувчиларининг қадриятлар тизимини ўрганишдан асосий мақсад Ш.Шварцнинг “Қадриятлар” сўровномасини компьютер тизимига дастурлаштириш бўлган. Шу боисдан тадқиқот ишидан олинган натижаларнинг дастлаб ўртача ва стандарт оғиш, ассиметрия ва эксцесс қийматлари текширилган. Шунингдек, методиканинг ишончлилиги мезони кўра даражаси текширилган. Мазкур тадқиқот ишининг биз учун қизиқ жиҳати ўқувчиларнинг гендер фарқлари ҳисобланади. Бунга кўра, “Обрў” ва “Ғамхўрлик” қадриятлар мезонлари қизларда йигитларга нисбатан юқори кўрсаткични келтириб чиқарган.

О.Т.Мельникова, Д.О.Ерохинлар томонидан қадриятлар тизимининг генезиси ва трансформациясида ахборот муҳитининг ўрнини аниқлаш мақсадида 18-25 ёш оралиғларидаги жами 714 нафар ёшлардан эмпирик тадқиқот ишларини олиб борганлар [1:19-29]. Олимлар томонидан мазкур тадқиқот ишларини олиб боришларидан асосий мақсад респондентларнинг ахборот муҳити билан ўзаро таъсирини турли параметрларга ажратиш ва уларга қадриятлар тизимининг доминант профилларини аниқлаш эди. Мазкур эмпирик тадқиқот тўрт босқичда олиб борилган.

Дастлабки босқичда респондентларнинг оммавий ахборот воситаларига эътибор қаратишнинг мотивацион омиллари аниқлаб олинган.

Иккинчи босқичда эса биринчи босқичда олинган натижалар онлайн анкета орқали қайта ўлчанган. Ушбу босқичда С.Шварцнинг “Қадриятларга йўналганлик” методикасидан фойдаланилган.

Учинчи босқичда тадқиқотчилар А.П.Вардомацнинг «Келажакнинг муҳим воқеалари» аксиобиографик, Толмен ва

Ахелродларнинг «Қадриятларим харитаси», Д.О.Ерохинанинг “Муштарак қадриятлар” ва Мельникова томонидан мослаштирилган “Қадриятлар пуфакчалари” методикаларидан фойдаланилган ҳолда ёшларнинг қадриятлар тизими ўрганилган [1:19-29].

О.С.Павлова, В.М.Миназова, О.Е.Хухлаевлар томонидан мусулмон талабаларнинг диний идентетлиги ўрганилган [4:90-99]. Олимлар тадқиқот объекти сифатида Чечен давлат университетининг 417 нафар биринчи ва иккинчи босқич талабалари танлаб олинган. Олиб борилган тадқиқот ишларига кўра, мусулмон талабаларнинг диний идентиклиги тўрт омилли тузилмага тақсимланган бўлиб, қуйидаги ўлчамларни ўз ичига олади:

- индивидуал маънавий идентиклик;
- диний эътиқодга кўра идентиклик;
- ижтимоий маънавий идентиклик;
- дин ўзаро таъсир усули сифатида.

Бунга кўра талабалар динни кўпроқ маънавий эътиқодий, таъсир ўтказувчи қадриятлар сифатида қарар эканлар. Шунингдек, мусулмон талабалар айнан мусулмонлардан иборат бўлган жамоаларни ва унда мавжуд урф-одат ва анъаналарни қадрлашлари намоён бўлди.

А.Н. Татарко, Е.В. Макласова, Д.И. Дубров, М.А. Багдасарян томонидан Ш. Шварцнинг “Қадриятларга йўналганлик” сўровномаси орқали 990 нафар синалувчиларда тадқиқот ишларини олиб борганлар [5:5-18]. Синалувчиларнинг ёш кўрсаткичлари 15-72 ёш оралиғларини ташкил этган. Шулардан 62,8% олий маълумотлилар қолганлари ўрта маълумотлилардан иборат бўлган. Тадқиқот ишидан олинган натижаларга кўра қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

Ёшларда катталарга нисбатан ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада юқори кўрсаткичларни қайд этган. Шунингдек, “Стимуляция”, “Гедонизм”, “Муваффақият” ва “Ҳокимият” каби қадриятлар ҳам устунлиги аниқланган. Катта инсонларда эса, “Хавфсизлик”, “Қулайлик” ва “Анъана” каби

қадриятлар юқори кўрсаткичлар қайд этилган.

Ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ва қадриятлар ўртасида ўзаро боғлиқлик жиҳатларига кўра, ахборот-коммуникацион технологиялар “Муваффақият” ва “Ҳокимият” қадриятлари билан ижобий корреляцион боғлиқликлар аниқланган.

Е.Б.Пучкова, Л.В.Темнова, Е.А.Сорокоумова, М.Г.Курносавалар томонидан замонавий ўсмирлар қадриятлари ва карьера йўналишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жиҳатлари ўрганилган. Тадқиқот ишида Э. Шейннинг “Карьера йўналишлари” ва Ш. Шварцнинг “Қадриятларга йўналганлик” сўровномаларидан фойдаланилган. Қадриятларга йўналганлик сўровномасидаги мавжуд мезонлар жами бўлиб қуйида келтирилиб ўтилган тўртта гуруҳларга ажратилан:

1. Ўзини-ўзи ҳимояловчи қадриятлар (хавфсизлик, қулайлик, анъана);
2. Янгиликларга мослашувчанлик қадриятлар (мустақиллик, таваккалчилик, гедонизм);
3. Атрофдагиларга нисбатан ғамхўрлик қадриятлар (универсаллик, хайрихоҳлик);
4. Ижтимоий обрў қадриятлари (ҳокимият, муваффақият).

Юқорида келтирилиб ўтилган гуруҳлар ҳам хусусиятидан келиб чиққан ҳолда иккита катта гуруҳларга ажратилган:

Меъёрий идеаллар (умуммаданий установакалар, эътиқод даражасидаги қадриятлар).

2. Индивидуал устуворликлар (шахснинг хулқ-атворида намоён бўлувчи қадриятлар).

Тадқиқот натижаларига кўра, ўсмирларда меъёрий қадриятлар йўналишига мансуб бўлган “Универсиаллик”, “Қулайлик”, “Меҳрибонлик” каби қадриятлар устунлиги аниқланган бўлса, индивидуал устувор қадрият йўнвлишларидан “Анъана”, “Хавфсизлик” каби қадриятлар доминантлик қилган.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилиб ўтилган тадқиқот ишларидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

1. Қадриятлар ва диний қадриятлар борасидаги аксарият тадқиқот ишларида “Европа қадриятларни тадқиқ этиш” ва Ш.Шварцнинг “Қадриятларга йўналганлик” сўровномаларидан фойдаланилган.

2. Ёшлар диний қадриятлари бошқа қадриятларга нисбатан паст кўрсаткични қайд этар экан.

3. Диний қадриятлар борасидаги тадқиқотларда асосан диндорлик типлари, даражалари, диний идентиклик ва диний фаоллик даражалари аниқланганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Мельникова О.Т., Ерохин Д.О. Качественные методы как инструмент изучения ценностных ориентаций // Вестник Московского университета, № 1. 2012. – С. 19-29.
- Митина О.В., Сорокина В.В. Ценности старшеклассников: разработка компьютерного диагностического инструментария // Вестник Московского университета, № 1. 2015. – С. 42-52.
- Пруцкова Е.В. Связь религиозности и ценностно-нормативных показателей: фактор религиозной социализации // Вестник ПСТГУ I: Богословие. Философия, 2015. Вып. 3 (59). – С. 62-80.
- Павлова О.С., Миназова В.М., Хухлаев О.Е. Религиозная идентичность студентов-мусульман (на материале изучения молодежи, проживающей в Чеченской республике) // Культурно-историческая психология. 2016. Т. 12. № 4. С. 90—99.
- Татарко А.Н. Макласова Е.В, Дубров Д.И, Багдасарян М.А. Связь базовых человеческих ценностей и вовлеченности в использование информационно-коммуникационных технологий у молодежи и старшего поколения // Психологическая наука и образование, 2022. Т. 27. № 2. – С. 5-18
- Тощенко Ж.Т. Социология жизни. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2016. – 399 с.
- Shirokalova G.S., Shimanskaya O.K., Anikina A.V. Suschestvuyut li gendernye osobennosti religioznosti studencheskoj molodezhi? [Are there gender differences in the religiousness of the student youth?]. Sociologicheskie Issledovaniya. 2016; – С. 6.
- Шилов В.В., И.М. Пудовкина, Т.Н. Сергеева. Религия в структуре ценностных ориентаций старшего и молодого поколений // Журнал “Дискуссия”. № 2 (65). Февраль, 2016. – С. 95-104.
- Garadzha V.I. Sociology of Religion. – Moscow, 2007. – 328 с.
- Collins-Mayo S. Youth and religion. An international perspective // Theo-Web. Zeitschrift für Religionspädagogik. 2012; 11. – 90 p.